



МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ОММАВИЙ ОФЕРТАСИ

“Invest Finance Bank” Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Банк) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй манзили бўйича рўйхатга олинган ва 206 942 764 СТИРга эга (ИФУТ: 64190) бўлиб, 2023.15.04 даги 75-сонли лицензия асосида иш тутади ҳамда Банкда ҳисоб рақамига эга бўлган барча юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорларга (кейинги ўринларда – Мижоз) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-моддасига ва 369-моддаси 2-қисмига мувофиқ равишда ушбу Оммавий офертада кўрсатилган шартларда масофавий банк хизматини кўрсатиш тўғрисида Шартнома тузишни таклиф қилади.

1. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу Шартномага мос ҳолда қуйида келтирилган атамалар ва тушунчалар қуйидаги маъноларда ишлатилади:

Аппарат таъминоти – мобил телефон, компьютер, планшет ва ҳ.к.

Масофавий банк хизмати кўрсатиш (МБХК) – смартфонлар ва вэб-интерфейс учун мобил иловалар ёрдамида дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда, масофавий усул билан банк хизматларини кўрсатиш ёки банк маҳсулотларини тақдим этиш бўйича Банк амаллари мажмуи.

ДТ – МБХК учун Банк дастурий таъминоти.

Рўйхатдан ўтиш – МБХК тизимида Мижознинг қайд ёзуви яратилиши.

Вазифа – МБХК тизимида ваколатларнинг турли даражаларига эга функционал.

Банк тарифи – Банк томонидан тасдиқланган, МБХК учун Банкнинг воситачилик ҳақи миқдорларини белгилаб берадиган, МБХК кўрсатиш вақтида амалда бўладиган ҳужжат.

Идентификация параметрлари – Мижознинг МБХК тизимидаги шахсий маълумотлари.

Қайд ёзуви – Мижозни таниб олиш ва унинг маълумотларига ва соғламоаларига рухсат бериш учун зарур бўлган ҳамда Банк маълумотлар базасида сақланадиган Мижоз тўғрисидаги маълумотлар мажмуи.

Мижозни МБХК тизимидан узиб қўйиш – Мижоз қайд ёзувининг МБХК тизимига уланиш имконини берадиган алоқалар билан ўзаро боғлиқлигини йўқ қилиш.

ЭХ – электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

ЭРИ – Банк мижозининг электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгаришлар натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини – банк мижозини идентификация қилиш имконини берадиган имзо.

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. Банк Мижозга ушбу Офертага ва амалдаги Тарифларга мувофиқ, Мижоз томонидан Аризада кўрсатилган ахборотни ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатади. Мижоз, ўз навбатида, МБХК учун банк Тарифларига биноан ҳақ тўлайди.

2.2. Мижознинг ёки унинг вакилининг Банкка Ариза бериши ва Банк томонидан ҳосил қилинган ЭРИ калитини қабул қилиши Мижознинг ушбу Шартномани тузиш ҳақида берган розилиги бўлади.

2.3. ЭХни Томонлар МБХК орқали, кейинчалик уларни қоғоз ташувчида тақдим этмаган ҳолда узатади ва қабул қилади. Мижознинг ва/ёки Банкнинг талабномасига кўра зарур ҳужжатларни тақдим этиш қоғоз ташувчида амалга оширилади.

2.4. МБХК орқали фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар тўплами ҳамда МБХК доирасида Банк тақдим этадиган очиқ функциялар ва амаллар тўплами Банк томонидан бир томонлама тартибда белгиланади.

2.5. Томонлар ЭХ, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” Қонунига мувофиқ, қоғоз ҳужжатга тенглаштирилиши ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлишидан хабардордирлар.

2.6. Банк МБХК доирасида Мижозларга фойдаланиш учун учта Вазифани тақдим этади:

а) “Директор” МБХКдан тўлиқ фойдаланиш, шу жумладан тўлов ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни кўздан кечириш, киритиш ва Банкка жўнатиш ҳуқуқига эга.

б) “Ҳисобчи” ЭХни ижро учун Банкка жўнатиш имкониятисиз, тўлов ва бошқа ҳужжатларни киритиш, тасдиқлаш ва кўздан кечириш, шунингдек, турли ҳисобот ҳужжатларини олиш ҳуқуқига эга.

в) “Ходим” ЭХни ижро учун Банкка жўнатиш имкониятисиз, тўлов ва бошқа ҳужжатларни кўздан кечириш ва киритиш ҳуқуқига эга.

2.7. ЭРИдан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тўловлар Мижознинг МБХКда Директор вазифасига эга ходимининг ЭРИ билан тасдиқланиши лозим.

3. ШАРТНОМА ТУЗИШ

3.1. Банк томонидан:

- Интернетда ўзининг www.infinbank.com манзили бўйича расмий сайтида (кейинги ўринларда – Банк сайти);

- Банк биноларида

эълон қилинган ёки жойлаштирилган ушбу ҳужжат оммавий оферта (Банкнинг шартнома тузиш ҳақида таклифи) эканлигига асосланиб, Банк ва Мижоз ўртасидаги ушбу шартнома Мижоз мазкур офертага ушбу Шартноманинг 2.2-бандига мувофиқ равишда розилик билдирган дақиқадан тузилган ҳисобланади.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

4.1. МБХ кўрсатиш тартиби ва шартлари ушбу шартнома, банк ҳисоби шартномаси шартлари, тасдиқланган банк Тарифлари ва Банкнинг ички қоидалари билан белгиланган.

4.2. Ҳосил қилинган ЭРИ Банк томонидан рўйхатдан ўтишда Мижознинг имзолар намуналари бўлган карточкасининг биринчи гуруҳида кўрсатилган раҳбари номига берилади.

4.3. Банк Мижозни олдиндан хабардор қилиб, МБХ кўрсатишни исталган пайтда тўхтатиб туриши мумкин.

4.4. МБХК Мижоз билан Банк ҳисоби шартномаси ва/ёки ушбу шартнома бекор қилинганда тугатилади.

4.5. Мижоз ушбу билан Банк ўз ихтиёрига кўра МБХК тартиби ва шартларини Мижозга мажбурий тартибда олдиндан, камида 10 (ўн) календарь куни олдин Банк сайтида тегишли ахборотни жойлаштириш йўли билан бу ҳақда билдирган ҳолда ўзгартириши, шу жумладан:

- Банк Тарифлари бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши: Мижознинг Банкка воситачилик ҳақини ҳамда МБХК билан боғлиқ бошқа тўловларини тўлаши миқдори, тартиби ва шартларини ўзгартириши;

- ушбу офертага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши мумкинлигига розилик билдиради.

5. МИЖОЗНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТДАН ФОЙДАЛАНИШИ ШАРТЛАРИ

5.1. Банкнинг МБХК бўйича хизматларидан фойдаланиш учун Мижоз Банкка мурожаат қилиши ва тегишли Мижоз Аризасини имзолаши ҳамда Банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

- Мижоз раҳбари ва МБХКга рухсат бериладиган вакилининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
- Мижознинг ходими номига белгиланган шаклдаги ишончнома.

5.2. Рўйхатдан ўтишда Вазифа Банк томонидан ўрнатилган тартибда берилади. Бунда Мижоз раҳбарига “Директор” вазифаси берилади, Мижознинг бош ҳисобчисига – “Ҳисобчи” вазифаси, Мижознинг қолган барча ходимларига эса – “Ходим” вазифаси. Ташкилотнинг бир неча Раҳбарларида ва/ёки Ҳисобчиларида ташкилот номидан тўлов ҳужжатларини имзолаш ваколати мавжуд бўлган тақдирда, “Директор” ва/ёки “Бухгалтер” вазифасига эга бир неча калит беришга йўл қўйилади. Бундай ҳолатда Мижоз банкка Мижознинг мансабдор шахслари учун қўшимча калитларни ва улар учун белгиланадиган “Ҳисобчи” ва/ёки “Директор” вазифаларини кўрсатган ҳолда ариза тақдим этади.

5.3. Бундан кейин ЭРИ ўзгартирилиши мумкин эмас, аввал берилган ЭРИ бекор қилинадиган ҳолатлар бундан мустасно.

5.4. ЭРИ амал қилиш муддати 2 йилни ташкил этади. ЭРИ амал қилиш муддати тугаганидан сўнг Мижоз қайта ҳосил қилиш учун Банк филиалига мурожаат қилиши лозим.

6. МБХ КЎРСАТИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ШАРТЛАРИ

6.1. Мижозни МБХКдан узиб қўйиш Банкнинг ихтиёрига кўра, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда амалга оширилиши мумкин, шу жумладан:

- Банкдаги ҳисоб рақами ёпилганда;
- Мижознинг МБХКдан ихтиёрий воз кечиш ҳақидаги аризаси асосида, бу ариза Мижоз томонидан ёзилади ва Мижознинг Раҳбари томонидан имзоланади (чиқиш қайд рақами ва, агар мавжуд бўлса, муҳри бўлган ҳолда);
- ДТ ишдан чиққанда;
- “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”да кўзда тутилган ҳолатларда (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 майда 2886-рақам билан рўйхатга олинган);
- “Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкидан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низом”да кўзда тутилган ҳолатларда (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 октябрда 3327-рақам билан рўйхатга олинган);
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.2. Қуйидаги ҳолатларда Мижознинг ЭРИ (пароли) барча Вазифалар учун бекор қилинади ҳамда янги ЭРИ ва пароль берилади:

- Мижознинг юридик мақоми алмашганда (қайта тузилганда);
- шахслар алмашиши туфайли имзолар намуналари карточкалари ва муҳр босилган нусхаси ўзгарганда;
- ЭРИ ва пароль учинчи шахсларга маълум бўлганлиги тўғрисида Мижозда ёки Банкда шубҳа туғилганда.

Юқорида кўрсатилган ҳолатлар юзага келганда, Мижоз Банкка тегишли ёзма ариза тақдим этиш мажбуриятини олади.

6.3. Мижоз янги имзолар намуналари карточкаларини ўз вақтида тақдим этишни таъминламаган ёки Мижозда идентификация қилиш параметрлари учинчи шахсга маълум бўлганлиги тўғрисида асосли шубҳа туғилган, лекин Мижоз Банкка тегишли ёзма ариза тақдим этмаган тақдирда, Банк ҳисоб рақами бўйича бажарилган амаллар учун жавобгар бўлмайди.

6.4. МБХКни вақтинча тўхтатиб туриш қуйидаги сабабларга кўра амалга оширилиши мумкин:

- агар Мижозда ДТда рўйхатдан ўтиш ҳақида аризани имзолаган шахс ўзгарган бўлса, имзолар намуналари карточкаси ва муҳрнинг босилган нусхасига мувофиқ банк ҳужжатларига

биринчи ёки иккинчи имзо чекиш ҳуқуқи берилган янги шахснинг рўйхатдан ўтиш ҳақида Аризаси қайта тузилгунига қадар;

- Мижоз ҳисоб рақамининг иши амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ваколатли органларнинг кўрсатмалари асосида Мижознинг ҳисоб рақами хатлаб қўйилиши туфайли тўхтатиб турилиши муносабати билан. Бу ҳолатда, агар Мижоз фаол вазифага эга бўлган бўлса, Мижоз стандарт вазифа доирасида амалиётларни кўздан кечириш имкониятига эга бўлади;

- Банк Мижози МБХК учун ҳақ тўлашни амалга оширмаган тақдирда;

- дастурий таъминотда вақтинча тўхтаб қолишлар юз берганда;

- Мижоз Раҳбарининг МБХКни ихтиёрий равишда вақтинча тўхтатиш ҳақидаги Аризаси бўйича. Бу ҳолатда Мижоз МБХКдан фойдаланиш учун имкониятларини йўқотади ва МБХКдаги ҳамма вазифалар (“директор”, “ҳисобчи”, “ҳодим”) тўлиқ тўхтатиб турилади;

- Мижоз ушбу Шартнома шартларини бузган тақдирда;

- МБХКдан фойдаланаётган Мижоз эмаслигига гумон қилиш учун асос бўлувчи ҳолатлар мавжуд бўлса;

- Мижознинг Банк бўлимида/филиалида очилган ҳисоб рақамларидан бирортаси хатлаб қўйилган тақдирда, янги ҳисоб рақамлари очиш ва МБХК ёрдамида ҳисоб рақамлари бўйича амалиётлар бажариш блокланади;

- Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида;

- Банк Мижозга розилик билдирилган тўлов талабномасини уни олган кундан бошлаб ўн амалиёт кун ичида топшириш имконияти бўлмаганда, шунингдек, агар бу муддат ичида Мижоз МБХК тизимига кирмаган, Банк мазкур ўн амалиёт кун ичида Мижознинг ҳисоб рақамидан унинг топшириғига кўра маблағларни ечиш бўйича амалиётлар бажармаётган тақдирда, солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтидаги шахсий кабинети орқали жўнатилган тўлов талабномалари асосида тўловларни амалга ошириш ҳолатлари бундан мустасно;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган бошқа ҳолатларда.

6.5. Мижоздан аппарат таъминоти йўқолганлиги ёки уларга бегона шахслар томонидан рухсатсиз кирилганлиги тўғрисида расмий ёзма хабар олинганда, Банк МБХ кўрсатишни тўхтатиб туриш мажбуриятини олади.

6.6. Мижоз МБХКдан фойдаланадиган аппарат таъминотини йўқотган тақдирда, Банк Мижоз Банкда ҳозир бўлганида ЭРИни алмаштириб бериш мажбуриятини олади. Бундай ҳолатда, агар Банк Тарифларида кўзда тутилган бўлса, Мижоз Банкка жарима тўлаш мажбуриятини олади.

6.7. МБХКдаги “Директор” вазифаси МБХКдаги бошқа вазифаларни тўхтатиб туриш ёки чиқариб ташлаш, МБХК муайян бўлимларининг кўриниш-кўринмаслигини ўзгартириш ҳамда “Ходим” вазифасининг иш ҳақи қайдномасини тузиш имкониятини беради.

7. ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ТЎЛАШ

7.1. Хизматлар учун ҳақ тўлаш Банк Тарифларига биноан амалга оширилади.

7.2. Банк Мижоз ҳисоб рақамидан МБХК учун пул маблағларини ҳар ойда жорий ойнинг 1-санасидан 10-санасигача (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига асосан), бу ҳисоб рақамининг фаоллигидан қатъи назар, розилик билдиришсиз тартибда ечиб олиш ҳуқуқига эга.

7.3. Мижознинг ҳисоб рақамида МБХК бўйича қарзни қоплаш учун пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, қарзнинг қопланмаган қисми Мижознинг 2-Картотекасига белгиланган тартибда ижро қилинадиган тўлов талабномасини эълон қилиш йўли билан жойлаштирилади. Кўрсатилган тўлов талабномаси, ҳеч бир қўшимча тасдиқлашсиз, Мижоз томонидан розилик билдирилган ҳисобланади.

7.4. Мижоз ЭРИдан токенини йўқотган тақдирда, калит қийматини тўлиқ миқдорда қоплаши шарт.

8. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

8.1. Томонлар махфийликка риоя қилишга келишдилар.

8.2. Банк Мижоздан ўрнатилган талабларга жавоб берувчи тўлов топшириқномаларини олганида, тўловларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида айтиб ўтилган муддатларда амалга оширишга мажбур. Улар ўрнатилган талабларга жавоб бермаган тақдирда ёки улар Ўзбекистон Республикаси МБ АБМ томонидан яроқсизга чиқарилган тақдирда ёхуд ҳисоб рақамида ҳужжатни юритиш учун зарур миқдорда маблағлар бўлмаганида, Банк алоқа каналлари орқали Мижозни олинган топшириқлар бажарилмагани тўғрисида хабардор қилади. Шу билан бирга Банк Мижознинг топшириқлари бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

8.3. Банк Мижознинг носоз қурилмаларида, ёки Jailbreak (iOS) – iOS файллар тизимига кириш – ўрнатилган ёхуд янгиланган лицензияли антивирус дастурий таъминоти бўлмаган қурилмаларида соз ишлашини кафолатламайди.

8.4. Мижоз ЭРИ сертификати бўлган USB-токени керакли тартибда хавфсиз, учинчи шахслар кирмайдиган жойда ёки ёнида сақлаши шарт. Мижоз токени учинчи шахсларга бермаслик ва ЭРИ сертификатидан паролга оид ахборотни бошқа шахсларга ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

8.5. Мижоз ишга яроқли, Android ва/ёки iOS операцион тизимида ишлайдиган ва алоқа операторининг мобил Интернет хизматларига уланган ёки Интернетга бошқача, симсиз уланишга эга аппарат таъминотидан фойдаланишга мажбур.

8.6. Мижоз ўзи МБХК тизимига кириши ва МБХК тизимидан фойдаланган ҳолда амаллар бажариши учун зарур бўлган ахборотнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлашга ҳамда бундай сир тутиладиган ахборотни бошқа шахсларга ошкор қилмасликка мажбур.

8.7. Мижоз ўзининг аппарат таъминоти йўқолганлиги/ўғирланганлиги ҳолати юзасидан МБХКга киришни бундан кейин блоклаш ва “учинчи шахслар” томонидан ҳисоб рақамлари бўйича рухсатсиз амалиётлар бажарилишига йўл қўймаслик мақсадида Банкни кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

8.8. Мижоз МБХКдан фойдаланишда зарур хавфсизлик чораларига риоя қилишга, МБХКга бошқа шахслар кириши учун рухсат бермасликка мажбур.

8.9. Банк Мижоз амалиётларни бажаришда МБХК тизимига шубҳали ёки янглиш маълумотларни киритганлиги учун жавобгар бўлмайди.

8.10. Мижоз Банк сайтида ушбу шартномага ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар ҳақида ахборотни, Банк Тарифларини текшириб туриши, бундай ахборот мавжуд бўлган тақдирда, МБХ кўрсатишнинг янги тартиблари ва шартларини диққат билан ўрганиши шарт.

8.11. Мижоз томонидан МБХКдан фойдаланган ҳолда шубҳали амалиётлар бажарилганлиги аниқланган тақдирда, Банк ўтказилган амалиётларнинг қонунийлиги Мижоз томонидан ёзма равишда изоҳланган дақиқага қадар Мижозга МБХК тақдим этишни тўхтатиб туришга ёки ушбу хизматни кўрсатишни рад этишга ҳақлидир.

8.12. Банк МБХКдан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадларида фойдаланилаётганлигига асосли гумонлар мавжуд бўлган тақдирда, ўрнатилган тартибда ушбу офертани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.13. Агар Мижоз ёки унинг амалиётлари иқтисодий ва бошқа санкциялар таъсир доирасига тушиб қолаётган ёки тушиш хавфи мавжуд бўлган бўлса, Банк Мижоздан амалиётни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумот талаб қилиш, амалиёт суммасини чеклаш, амалиётни чеклаш (рад этиш) ёки у бажараётган амалиёт Мижознинг сўровномадаги профилига мос келмаса, хизмат кўрсатишдан бош тортиш ва Мижоз билан ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.14. Мижоз “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом” ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш мажбуриятини олади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бузганлик учун Банк ва Мижоз Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

9.2. Банк ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганлик ёхуд етарли даражада бажармаганлик учун банк ҳисоб рақами шартномасида кўзда тутилган жавобгарликни ўз зиммасига олади.

9.3. Банк ўз ходимларининг исботланган айби мавжуд бўлган ҳолатда жавобгар бўлади.

9.4. Мижоз қуйидагилар учун жавобгар бўлади:

- Мижознинг МБХКдан фойдаланиш ва МБХКдан фойдаланган ҳолда амалиётлар бажариш учун зарур бўлган махфий ахборотидан фойдаланиб, МБХКдан фойдаланиш ва МБХКни бошқариш бўйича амалга оширилган барча амалиётлар учун;

- ЭРИ ва паролнинг, шунингдек, МБХКдан фойдаланиш ва МБХКдан фойдаланган ҳолда амалиётлар бажариш учун зарур бўлган бошқа маълумотларнинг сақланиши ва сир тутилишини таъминлаш учун; Мижознинг бундай маълумотларни сақлаш ва сир тутишни таъминлаш бўйича талабларга риоя қилмаганлиги натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар учун;

- МБХКдан бегона аппарат таъминоти орқали фойдаланганлик учун;

- қасддан ёки Мижознинг ўзининг эҳтиётсизлиги туфайли МБХКга кириш имкониятини бошқа шахсларга ноқонуний тақдим этганлик учун ва бундай ноқонуний ҳаракатлар келтириб чиқарган оқибатлар учун;

- паролни, ЭРИни ошкор қилганлик ёки уяли телефон рақамидан бошқа шахслар фойдаланишига йўл қўйганлик учун;

- ўзининг телефон рақами ўзгарганлиги ҳақида Банкка ўз вақтида хабар бермаганлик учун.

9.5. Мижоз пароль ва ЭРИ хавфсизлигини мустақил равишда таъминлайди, шунингдек, ЭРИ ва паролдан фойдаланган ҳолда ДТга кирганидан сўнг МБХК ёрдамида амалга оширган барча ҳаракатлари учун жавобгар бўлади.

9.6. Мижоз МБХК доирасида ўтказиладиган амалиётларнинг қонунийлиги учун жавобгар бўлади.

9.7. Мижоз МБХКдан фойдаланишда ноқонуний амалиётларга қўшилиш хавфи Мижоз зиммасида эканлиги ҳақида огоҳлантирилади.

10. БАНК ЖАВОБГАРЛИГИНИНГ ЧЕКЛАНИШИ

10.1. Банк аппарат таъминотининг барча моделларида МБХКдан фойдаланиш мумкинлигини кафолатламайди ҳамда Мижознинг аппарат ва дастурий таъминоти хусусиятлари билан боғлиқ сабабларга кўра МБХКдан фойдаланиш имконияти мавжуд эмаслиги учун жавобгар бўлмайди.

10.2. Банк мобил алоқа ва маълумотлар узатиш хизматларини тақдим этмаслигини эътироф қилган ҳолда, Мижоз масофавий банк хизматлари унга алоқа тармоқлари иш қобилиятининг бузилиши билан боғлиқ сабабларга кўра сифатсиз кўрсатилганлиги учун жавобгар бўлмаслигига розилик билдиради.

10.3. Банк қуйидагилар учун жавобгарликдан озод қилинади:

а) банклараро электрон тўловлар тизимида мумкин бўлган бузилишлар;

б) Мижоз тўлов топшириқномаларини расмийлаштиришда йўл қўйган камчиликлар натижасида унга тегишли тўловларнинг кечикиши;

в) қонунчиликка мувофиқ равишда, шунингдек, Мижоз ёки унинг амалиётлари иктисодий ва бошқа санкциялар таъсир доирасига тушадиган ёки унга тушиш хавфи мавжуд бўлган ҳолатларда Мижознинг ҳисоб рақами бўйича амалиётларнинг тўхтатиб турилиши;

г) Мижоз МБХК тизимига кириш учун ишлатадиган аппарат таъминотининг сифатсиз ишлаши;

д) мобил алоқа операторлари, провайдерлар тақдим этадиган хизматлар сифати;

е) МБХКдан фойдаланадиган шахсларнинг маълумотлари, шу жумладан паспорти ва мобил телефони рақами ўзгарганлиги ҳақида Мижоз ўз вақтида хабар бермаганлиги, бунинг оқибатида МБХК тўхтатиб қўйилиши ёки банк сирини ташкил этувчи ахборот ошкор қилиниши мумкинлиги;

- ё) “учинчи шахслар” томонидан МБХК ёрдамида рухсатсиз бажарилган амалиётлар, Мижознинг аппарат таъминоти “учинчи шахслар” ихтиёрига тушиб қолган ҳолатларда;
ж) Мижоз мобил телефони рақамини нотўғри тақдим қилганда, Мижознинг амалиётлари бўйича ахборот ошкор қилиниши;
з) Мижознинг МБХКдаги қайд ёзувида рухсатсиз кириш натижасида етказилган зарар.

11. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

11.1. Агар ушбу шартнома билан ўзгачаси кўзда тутилмаган бўлса, ушбу шартнома доирасидаги барча расмий билдиришлар, шикоятлар, талаблар ва ҳ.к. ёзма равишда расмийлаштирилиши ва ушбу шартнома бўйича томонларга почта жўнатмаси (топширилгани тўғрисида билдириладиган оддий ёки буюртма) шаклида узатилиши ёки чопар орқали етказилиши лозим.

11.2. Ушбу шартномада белгилаб берилмаган барча қолган ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва банк ҳисоб рақами шартномасига амал қиладилар.

11.3. Ушбу шартномадан ёки у билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган, шу жумладан унинг бажарилиши, бузилиши, тўхтатилиши ёки бекор қилинишига оид барча мунозаралар, келишмовчиликлар ёки талаблар Банкнинг жойлашув жойи бўйича судда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал этилади.

12. ФОРС-МАЖОР ВАЗИЯТЛАР

12.1. Келишув бўйича бирор-бир мажбуриятни бажармаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик форс-мажор вазиятларга боғлиқ равишда келиб чиққан бўлса, Томонлар бундай бажармаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун жавобгарликдан озод бўладилар.

12.2. Форс-мажор вазиятлар юз бериши туфайли мажбуриятларини бажариши мумкин бўлмай қолган Томон бу вазиятлар юз берган дақиқадан бошлаб 10 (ўн) кундан кечиктирмасдан кўрсатилган вазиятларнинг юз берганлиги, тахминий жорий бўлиш ва тугаш муддатлари ҳақида бошқа Томонга ёзма равишда билдириши лозим.

12.3. Билдиришномада баён қилинган ҳолатлар ваколатли давлат органининг тегишли хужжати билан тасдиқланган бўлиши лозим (бундай орган мавжуд бўлганда).

13. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

13.1. Ушбу оферта Мижознинг банк ҳисоб рақами Шартномаси ва/ёки ушбу шартнома бекор қилингунига қадар амал қилади.

13.2. Шу билан бирга, Банк Мижозни банк сайтида ёки оммавий ахборот воситалари орқали тегишли эълон жойлаштириш йўли билан ва/ёки Банк танловига кўра бошқа ҳар қандай усулда хабардор қилиш ҳуқуқига эга.

14. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Мижоз ушбу шартномани тузаётиб, МБХКга киришга рухсат берилишидан олдин у Банк МБХ кўрсатиши тартиби ва шартларини ҳамда Банк Тарифларини ўрганиб чиққанлигини, уларга розилик билдиришини тасдиқлайди ва уларни ўзи учун мажбурий деб эътироф қилади.

14.2. Ушбу оферта Банк томонидан исталган пайтда Банк мижозларини ўзининг расмий сайтида 3 (уч) иш куни олдин огоҳлантирган ҳолда қайтариб олиниши мумкин.

15. БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“InFinBANK” АЖ

СТИР: 206942764, МФО:01041, ИФУТ: 64190

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй

Тел.: 71 202-50-60, қисқа рақам: 1214

Факс: 71 202-50-70